



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ахмедов Ислон Бахтиёрович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институти катта ўқитувчиси.
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10418295>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2023

Accepted: 20th December 2023

Online: 21th December 2023

KEY WORDS

Ички ишлар органлари,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти,
ҳуқуқий асос.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини турли ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишда, шунингдек, қонун устувор-лигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга оид яратилган ўзига хос тизимда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари хусусида қайд этиш лозимки, давлат мустақиллигининг илк даврларидан то бугунги кунга қадар ўтган йиллар давомида уларнинг ҳуқуқий мақоми ижтимоий ҳаёт ривожланишига мутаносиб тарзда такомиллаштирилиб келинмоқда. Хусусан, ушбу йўналишда тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллик йилларида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштиришга оид кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва мазкур йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам тинчлик ва осойишталикни янада самарали таъминлаш мақсадида изчил давом эттирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»¹ги 170/40-сон қарори ушбу йўналишдаги ислохотларда муҳим аҳамиятга эга десак муболаға бўлмайди. Чунки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат бутун

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



ички ишлар тизимини қамраб олиб, фаолиятнинг барча муҳим соҳаларига қаратилгани билан ўзига хос аҳамиятга эгадир. Ушбу қарор билан Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси таркиби қайта ташкил этилди, ППХ ва ЙПХ фаолияти мутлақо янгича асосда йулга қўйилди, милиция участка инспекторлари негизида профилактика инспекторлари институти ташкил этилди². Хусусан, ушбу қарор бевосита ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида кескин бурилиш ясади. Унинг асосида Тошкент шаҳридаги 444 та маҳалланинг барчасида таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда 1200 га яқин профилактика инспекторининг фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур ислохотларнинг натижаси ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта қўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жиноий вазиятни сезиларли даражада соғломлаштиришни таъминлади³.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁴ги ПФ-2822-сон Фармони ҳам ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мазкур фармон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ташкилий тузилиши ва асосий вазифаларини белгилаб берди ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этишга оид тегишли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Масалан, 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»⁵ги 247/41-сон қарори асосида республиканинг барча маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг энг қўйи бўғини ҳисобланган таянч пунктлари ташкил этилди ҳамда уларда профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди ҳамда ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида фуқаролар-нинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланишига хизмат қилди, десак муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»⁶ги 162-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг

² Пулатов Ю.С. С чего начинается реформирование органов внутренних дел // *Ҳуқуқ-Право-Law*. - 2004. - № 4. - С. 83.

³ Каримов И.А. Хавсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т., 2002. - Б. 96.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2822-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 247/41-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 162-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Респуб-ликаси ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁷ги ПФ-3264-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида ички ишлар органларига мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»⁸ги 442/69-сон қарорлари соҳада амалга оширилган ислохотларнинг самарасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Сабаби, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг мутлақо янги тизими шаклланишига, уларнинг фаолияти янада кучайтирилишига ҳамда ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланишига, моддий-техник базаси такомиллаштирилишига ва ички ишлар органлари ўқув юртларида етук малакали кадрлар тайёрланиши, қайта тайёрланиши ва малакасини оширилишига, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти тизимида янги ташкил этилган таркибий тузилмалар, яъни ҳуқуқбузарликларга комплекс қарши курашувчи ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилишига, уларнинг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик механизмлари жорий этилишига самарали таъсир этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁹ги қонунининг қабул қилиниши ва унда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ваколатларини белгилаб берилиши, шунингдек уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг тузилиши ушбу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини янада ошишига ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»¹⁰ги қонунининг қабул қилиниши ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг бугунги ҳолатини тушуниш, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда ўзига хос аҳамиятга эгадир. Хусусан, қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3264-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида ички ишлар органларига мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 442/69-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш эканлиги белгилаб берилди.

Мазкур қонуннинг 15-моддасида, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида асосий таркибий тузилма-ларидан бири бўлмиш ички ишлар органларининг таянч пунктлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профи-лактикасини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган асосий қуйи бўғини эканлиги алоҳида қайд этилди.

Ички ишлар органлари тизимидаги ислохатларнинг янги босқичи бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»¹¹ги ПФ-4947-сон Фармони асосида қабул қилинган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олиш тизимида, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга туртки бўлди. Масалан, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақса-дида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹²ги ПҚ-2833-сонли қарори ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқбузарлик-лар профилактикаси фаолиятини амалга оширишда янада самарали тизим яратилишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹³ги ПФ-5005-сон Фармони эса, том маънода ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, такомиллаштириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг долзарб вазифаларини белгилаб берди.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



Жумладан, ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилак-тикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенга-шлари томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенга-шлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқ-ларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилак-тикаси масалалари бўйича ўринбосарларининг ҳисоботлари эшитиладиган тартиб белгиланиб, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисо-ботлари эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан қўрилаётган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинма-лари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁴ги ПҚ-2896-сон қарори ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларни бошқа-ришни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Мазкур қарор билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида»ги низом¹⁵ ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни ҳуқуқий жихатдан янада мустаҳкамланди.

Таъкидлаш лозимки, қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини сама-рали амалга оширилишига хизмат қилмоқда. Хусусан, ички ишлар органларининг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва ички ишлар бўлим (бошқарма)ларидан узоқда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ички ишларнинг қўшимча равишда 175 та шаҳар бўлими (бўлинмаси) ва 824 та таянч пункти ташкил этилди¹⁶.

Қайд этилган истиқболли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида»ги низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹⁶ Мухамедов У.Х. Даракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // ЎЗР ИИБ Академиясининг ахборотномаси. - 2017. № 4. –Б. 5.



ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁷ги ПФ-6196-сон Фармони ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланишига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, мазкур фармонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини-дан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагиларни белгилаб берди:

- ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;
- ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;
- «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;
- ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгилаб берилди ва улар ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланиши;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар орган-ларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши белгилаб берилди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-6196-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁸ги ПФ-27-сон Фармони ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишида ва аҳолининг тинч ва осойиш-та ҳаётини таъминлаш, жамиятимизда қонунга итоаткорлик ҳамда жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Ушбу Фармон билан Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифаларидан бири сифатида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини таъминлаш, профи-лактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш белгилаб берилди.

Шунингдек, ушбу Фармон билан «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси» тасдиқланди ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлардан иборат эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мазкур субъектлардан бири эканлиги таъкидланди ва Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаши, жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб бориши, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиши, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқирилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритиши белгилаб берилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси фаолияти самарадорлигини ошириш давр талаби ҳисобланиб, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этишда қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, фаолиятнинг шакл ва усулларида ҳамда хизмат ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари ўз ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси фаолияти самарадорлигини оширишлари учун доимий тарзда қуйидаги ишларни амалга оширишлари лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ҳудудлардаги криминоген вазиятни доимо чуқур ўрганиб, таҳлил этиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этишга оид зарур

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



ахборотларни тўплаш ҳамда келгусида ушбу ҳолатлар содир этилишини олдини олиш бўйича чоралар кўриш;

иккинчидан, ҳудудларда доимий тарзда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида изчил профилактик тадбирлар амалга оширилишини ташкил қилиш;

учинчидан, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш;

тўртинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда профилактик ҳисобга олинганлар, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилалар ва муқаддам судланган шахслар билан тизимли профилактик ишларни олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ишга жойлашишларида амалий ёрдам кўрсатиш.